

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ЮРИСДИКЦИЯВИЙ
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ****Алимов Баҳром Фозилович***

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар

профилактикаси ва криминалогия кафедраси доценти,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7574883>

Аннотация. Ушбу мақолада Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари, шакл ва усуллари, ҳуқуқий асослари, мазкур йўналишдаги фаолиятни ташкил этишдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

Таянч тушунчалар: профилактика инспектори, маъмурий юрисдикциявий фаолият, ҳамкорлик, маъмурий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, чора-тадбирлар.

Юридик адбиётларда юрисдикция атамасига қуйидагича тариф берилган. Юрисдикция-(лотинча jurisdiction-судлов, jus-ҳуқуқ, diko-гапириш, сўзлаш-сўзларидан) тегишли давлат органларининг қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўрнатилган ваколатлари мажмуи бўлиб, улар доирасида ҳуқуқий ҳарактердаги низолар ва муносабатларни ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишларни ҳал этиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик санкцияларни қўллаш тушунилади¹.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқроқ тартибга солишда ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Аммо шуни ҳам такидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида маъмурий жавобгарликнинг моддий ҳуқуқий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилган. Гарчи маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб кўяди (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 2-модда). Шунинг учун бу вазифаларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ҳуқуқни қўллаш ҳаракатлари ваколатли органларнинг (мансабдор шахсларнинг) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш фактлари ҳақидаги маълумотларни, ҳамда уларни содир этиш билан боғлиқ бўлган маълумотларни, шунингдек уларни содир этган шахслар тўғрисида маълумотларни йиғиш ва бу ишларни ечими билан боғлиқ масалалар тўғрисида тегишли қарорларни қабул қилиш ва ҳуқуқий тарбиявий таъсир кўрсатиш

* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва криминалогия кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

¹ Р.А. Муҳитдинов ва б. Ўзбекистон юридик энциклопедияси Т.: Адолат. 2010 -566 б

функционарига оид маълумотларни таҳлил қилишни тақазо этади. Маъмурий ишлар бўйича иш юритиш ўзига хос давлат ҳуқуқий ҳолат сифатида намоён бўлади ва ўзининг мазмунига оид бўлган барча жиҳатлар билан тарифланади. Шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчасига тўхталадиган бўлсак амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига мувофиқ “Маъмурий ҳуқуқбузарлик - деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади”.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича ҳал этиладиган саволлар маъмурий процесс чегараларида тадқиқ этилади. Шу билан бирга “маъмурий юрисдикция - ижро ҳокимияти органларининг турли субъектлар ўртасида низоларни ҳал этиш шунингдек маъмурий процессуал шаклда амалга ошириладиган маъмурий ва интизомий мажбурлов чораларини қўллашга қаратилган фаолияти, ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслари) томонидан маъмурий юрисдикциявий ҳаракатларни амалга ошириш тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг бажарилиши тушунилади”¹. Ҳозирги пайтда маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишларни юритиш маъмурий процесс доирасида ўрганилади.

Маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги юридик адабиётларда эса “маъмурий юрисдикция ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти билан боғлиқ ва унинг ажралмас қисми сифатида тан олинади”² Айнан бир вақтда у мустақил процессуал фаолият сифатида маъмурий ҳуқуқ тизимига киради ва унга хос бўлган жиҳатларга эга бўлиб, ўзга маъмурий иш юритув жараёнларидан фарқланади.

Юридик адабиётларда профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолияти тушунчасига тариф берилмаган. Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги фикрга келиш мумкин. Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолияти- бу моддий ҳуқуқий маъмурий нормалар ва уларни татбиқ этилишига оид тегишли тартибда амалга оширилиши билан боғлиқ процедурали процессуал фаолият тушунилади. Шунингдек бу маъмурий қонунчилик билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда профилактика инспекторининг ваколатини назарда тутати. Яъни профилактика инспекторининг аниқ далилларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, шу жумладан низоларни ҳал қилиш ва қонуний чора кўриш бўйича ваколатларидир. Гарчи бу фаолият бошқарув (хизмат) бўйсунуш муносабатлари билан боғлиқ бўлмасада, доимо бу процессда профилактика инспекторлари давлат номидан ҳаракат қиладилар ва улар томонидан чиқариладиган ва маъмурий мажбурловни қўллаш тўғрисидаги қарорлар (хулосалар) барча давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан мажбурий таърифга эга бўлади.

¹ Р.А Муҳитдинов ва б. Ўзбекистон юридик энциклопедияси Т.: Адолат. 2010 -295 б

² Одилқориев Х.Т, Исмоилов И, Исмоилов Н.Т ва б. “Маъмурий ҳуқуқ” Дарслик. Т.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси. 2010. 331 б

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, барча ишлар бўйича уларни ҳал этишда тартибли процессуал ҳаракатларга оид маълум ҳаракатларнинг йиғиндиси амалга оширилади ва бу ҳаракатлар бевосита қонун томонидан қайд этилган ёки ҳуқуқни амалга ошириш амалиёти томонидан тавсия этилган. Бунга қуйидаги ҳатти-ҳаракатларни киритиш мумкин: содир этилган фактнинг аниқланишини қайд этиш, иш бўйича олиб бориладиган муҳокама ва иш бўйича қабул қилинадиган қарор, фуқароларнинг шикоятларини ёки прокурорнинг тегишли қарорларга нисбатан протестларини кўриб чиқиш, қабул қилинган қарорни бажарилишини амалга ошириш. Мантиқий жиҳатдан бу кетма – кетлик ва мазкур ҳолатларнинг функционал йўналтирилганлиги ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ табиатга эга бўлган ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнига олиб келади.

Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолиятида маъмурий ҳуқуқий санкциялар фақатгина фуқароларга (жисмоний ва юридик шахслапга) нисбатан қўлланилади, агарда улар маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор бўлиб, мазкур айб уларга нисбатан маъмурий процессуал тартибда аниқланган бўлса. Бошқача айтганда, агар шахс маъмурий ҳуқуқий нормаларнинг талабларини бузган ҳолда бирон бир ҳуқуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, бу ҳолда маъмурий ҳуқуқий жавобгарликка тортилади. Мазкур ҳолат маъмурий ҳуқуқий жавобгарликка тортиш, балки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан процессуал таърифга эга бўлган санкцияларни қўллаш масаласини юзага келтиради ва бу чоралар давлат мажбуриятини бевосита татбиқ этилишини кўрсатади.

Профилактика инспектори маъмурий юрисдикциявий фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўрсатилган ушбу Кодекснинг 248-моддаси 2-қисм 4-бандида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан ушбу моддаларда кўрсатилган миқдорларда жарима жазосини қўллаш ваколатига эга. Ушбу жарима жазоларини ижро этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига юклатилган.

Мазкур фаолиятни амалга ошириш жараёнида профилактика инспекторлари томонидан мавжуд маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш фактлари аниқланади ва қайд этилади, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш фактлари таҳлил қилинади ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалга оширилади.

Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолиятининг асосий вазифалари:

ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама ва тўлиқ аниқлаб чиқиш;
маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни қонун ҳужжатларига биноан ҳал этиш;
маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш;
ҳуқуқбузарликларни олдини олиш;
фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;
қонунчиликни мустаҳкамлаш.

Профилактика инспекторининг маъмурий юрисдикциявий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири – қонунчиликни мустаҳкамлашдир. Профилактика инспектори

ваколат доирасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаришдан иборат.